

Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2023 йил апрель ойининг 12 кунини жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ғ.Негматов, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Рахимов, судланувчи Ф.Хўжақулов ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳридаги “Тенглик нури” адвокатлар ҳайъати адвокати Б.Игамов, жабрланувчи Э.Мухторовларнинг иштирокида, Хўжақулов Феруз Кучкаровичга нисбатан 1-1416-2301/112-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Хўжақулов Феруз Кучкарович (Хо'jaqulov Feruz Kuchkarovich), 1986 йил 19 ноябрь кунини Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилалик, 5 нафар фарзанди бор, муқаддам: 26.07.2021 йилда жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 1-қисми билан 2 йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 21.06.2022 йилда жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 3 ой 24 кун аҳлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, мавсумий ишчи, Ургут тумани, “Қуйиқишлоқ” маҳалласида яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 23.03.2023 йилда олган, соғлом,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, очиқ суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўргазмаларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, тарафларнинг музокара сўзлари, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Хўжақулов Феруз Кучкарович, 2023 йилнинг 05 февраль кунини соат тахминан 10:00да Ургут тумани “Қуйиқишлоқ” маҳалласида жойлашган яшаш уйи олдида қўшнисини Мухторов Элдор Тухтамуродович билан ариқни қовламаслик юзасидан тортишиб, ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб, жанжал давомида Э.Мухторовни танасининг турли жойларига қўл-оёқлари, ушбу жойда бўлган белкурак ва темир учли шоха билан қасддан уриб, унинг баданига “енгил, соғлиғини бузилишига сабаб бўлган” тан жароҳати етказган.



Ургут тумани суд-тиббий экспертиза бўлинмаси томонидан 2023 йил 24 февраль куни берилган 84-сонли экспертиза хулосасида, Мухторов Элдорнинг танасида яъни, бўйин соҳасида, ўнг қулоқ олди соҳасида, чап қулоқ сурпаси соҳасида шилинмалар, юз соҳаси ўнг томонида, иккала кўз пастки қовоқ соҳасида, пастки лаб соҳасида, чап елка соҳасида қонталашлар, иккала кўз пастки қовоқ соҳаси, бурун соҳаси, пастки лаб соҳаси юшмоқ тўқималарининг лат ейиши, бошнинг тепа соҳасида, пешона соҳасида, энса соҳасида, юз соҳасида урилиб йиртилган яралар, бош миянинг чайқалиши, бурун суягининг синиши каби тан жароҳатлари мавжудлиги, ушбу тан жароҳатлари ўтмас-қаттиқ жисмлар таъсирида етказилганлиги ва бу жароҳатлар ўзининг одатдаги кечивуда соғлиқни олти кундан кўп ва йигирма бир кундан кам муддатга бузилишига олиб келиши, “ЕНГИЛ, СОҒЛИҚНИ БУЗИЛИШИГА САБАБ БЎЛГАН ТАН ЖАРОХАТЛАРИ” гуруҳига кириши, еказилган вақти ва тан жароҳатлари хусусиятига кўра қарорда, тиббий баёнда кўрсатилган ва текширилувчини ўзи кўрсатган муддатга, яъни 2023 йил 05 февраль кунига тўғри келиши кўрсатилган

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Хўжақулов Феруз Кучкарович ўз кўрсатувида, айбига қисман иқрорлик билдириб, жабрланувчи Э.Мухторов билан қўшни бўлиб яшашлиги, уларни уйларини ўртасида кўча ҳамда кўчанинг уни яшаш уйи томонида ариқ мавжудлиги, ариқ унинг уйи томонда жойлашган бўлса-да, бироқ Э.Мухторов шу ариқни четига дарахт экканлиги, 2023 йил 05 февраль куни соат 10:00ларда Э.Мухторовнинг ариқни ковлаб турганлигини кўриб, унинг олдига келиб, унга ариқни ковласликни айтиб, иккаласи гап талашиб, жанжаллашиб қолишганлиги, шунда Э.Мухторов кўлида бўлган белкурак билан уни чап оёғига урганлиги, у Э.Мухторов унга оғирроқ тан жароҳати етказиши мумкинлигини ўйлаб, яшаш уйига қайтиб келганлиги ва уйда сув ичиб турган вақтида, Э.Мухторовнинг онаси ва турмуш ўртоғи келишиб уни ҳақорат қилганлиги, Э.Мухторов эса кўлида бўлган тошни унга қарата отиб, кўлида бўлган таёқ билан уни бошига урганлиги, шунда у шу атрофда турган шохани олиб, Э.Мухторовдан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида бир-икки маротаба шохани Э.Мухторовга қараб ўйнатиб, унга яқинлашмасликни айтганига қарамасдан, Э.Мухторов унга қараб келаверганида шоханинг уч қисми Э.Мухторовнинг юз қисмига тегиб кетганлиги, шундан сўнг жанжал тугаганлигини, у Э.Мухторовни қасддан урмаганлиги, Э.Мухторовдан ўзини ҳимоя қилаётган вақтида шоха унга тегиб кетганлигини баён қилиб, шу содир этган қилмишидан пушаймонлигини инобатга олган ҳолда қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ф.Хўжақулов суд мажлисида унга қўйилган айбга қисман иқрорлик билдириб кўргазма берган бўлса-да, унинг айби судда сўралган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатуви ҳамда иш ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Мухторов Элдор Тўхтамурадовичнинг, судланувчи Ф.Хўжақулов билан қўшни яшашлиги, уларнинг уйларини орасида кўча ва ариқ мавжудлиги, 2023 йил 05 февраль куни соат 10:00ларда ариқни ковлаб урган вақтида Ф.Хўжақулов келиб,



унга аниқ унинг ерида эканлигини, шу сабабли ариқни ковламаслигини айтганидан кейин иккаласи гап талашиб, тортишиб қолишганлиги ва у қўлида бўлган белкуракни Ф.Хўжақуловга бериб, ариқни ўзи ковлашини айтганлиги, шу вақтда Ф.Хўжақулов белкурак билан унинг бош қисмига урганлиги, зарбдан ариққа йиқилганлиги ҳамда ҳушини йўқотганлиги, бироз ўзига келган вақтида турмуш ўртоғи уни уйга олиб кирганлигини билганлиги, шундан сўнг Ф.Хўжақулов уни онасини ҳақорат қилганлиги сабабли қўлига таёқ олиб, Ф.Хўжақуловнинг ҳовлиси томонга борганида Ф.Хўжақулов шоха билан унинг бош қисмига икки мартаба уриб жароҳат етказганлиги, яқинлари уни шифохонага олиб боришганлиги, Ф.Хўжақулов кечирим сўрашни ўрнига қишлоқ аҳолиси сув ичадиган ариқни ёпиб ташлаганлиги сабабли ҳозирда сув кўчадан, унинг уйини деворини остидан ўтаётганлигини баён қилиб, Ф.Хўжақуловга нисбатан даъвоси борлиги, унга қонуний жазо тайинлашни сўрашлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Худойназарова Холида Алиқуловнинг, жабрланувчи Э.Мухторов ўғли бўлишлиги, 2023 йил 05 февраль куни соат 10:00ларда ўз яшаш уйида бўлган вақтида келини Наиманинг қаттиқ бақирган овозини эшитиб, кўчага чиққан вақтида қўшниси Ф.Хўжақуловнинг ўғли Э.Мухторовни ариқнинг ичига ётқизиб олиб ураётганлигини кўриб, уларни ажратиб қўйганлиги, шундан сўнг келини ўғли Э.Мухторовни уйга олиб кириб кетганлиги, бироқ Ф.Хўжақулов жанжални тўхтатмасдан, уни ҳақорат қилишни бошлагач ўғли Э.Мухторов уйдан чиқиб келиб, Ф.Хўжақуловнинг олдида борган вақтида Ф.Хўжақулов қўлига шоха олиб, ўғли Э.Мухторовнинг бош қисмига икки марта шохани санчиб олганлиги, натижада ўғли олган тан жароҳатидан ерга ётиб қолганлиги, бироқ шунга қарамасдан Ф.Хўжақулов шоха билан яна ўғли Э.Мухторовнинг орқасига икки мартаба урганлиги, келини билан ўғли Э.Мухторовни шифохонага олиб келганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Исматова Наима Тошпулат қизининг, жабрланувчи Э.Мухторов турмуш ўртоғи бўлишлиги, 2023 йил 05 февраль куни соат 10:00ларда ҳовлида рўзғор ишлари билан банд бўлган вақтида турмуш ўртоғи ҳовли ёнидан ўтувчи ариқни ковлашни бошлаганлиги, у ўз ишлари билан банд бўлиб турган вақтида ўғилчаси келиб, унга қўшниси дадасини ураётганлигини айтгач, кўчага чиққан вақтида қўшниси Ф.Хўжақулов турмуш ўртоғи Э.Мухторовни ариқни ичига ётқизиб ураётганлигини кўриб уларни ажратишга ҳаракат қилганлиги, бироқ ажрата олмаганлиги, шундан сўнг қайнонасини ёрдамга чақирганлиги, қайнонаси Х.Худойназарова келганидан сўнг уларни ажратганлиги, у жароҳат олган турмуш ўртоғини уйга олиб кирганлиги, бироқ Ф.Хўжақулов тинчимасдан, қайнонасини ҳақорат қилганлигини эшитиб, турмуш ўртоғи Э.Мухторов уйдан чиқиб келиб, қўлига таёқ олиб Ф.Хўжақулов томонга бораётган вақтида Ф.Хўжақулов яшаш уйи томонга қочганлиги, турмуш ўртоғи Э.Мухторов Ф.Хўжақуловнинг олдида борган вақтида Ф.Хўжақулов қўлига шохани олиб, турмуш ўртоғи Э.Мухторовнинг бош қисмига икки мартаба урганлиги, натижада турмуш ўртоғи бошидан жароҳат олиб



йиқилиб қолганлиги, Ф.Хўжақуловни турмуш ўртоғи четга олиб ўтгач у қайнонаси билан турмуш ўртоғи Э.Мухторовни шифохонага олиб кетганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Халимова Маҳдиё Ҳошим қизининг, судланувчи Ф.Хўжақулов турмуш ўртоғи бўлишлиги, 2023 йил 05 февраль куни соат 10:00ларда фарзандлари ҳовлида ўйнаб юришган вақтида у тушликка овқат тайёрлаш билан банд бўлиб турганлиги, турмуш ўртоғи Ф.Хўжақулов эса чорва молларига қараб турганлиги, шу вақтда қўшниси Э.Мухторов, унинг турмуш ўртоғи ҳамда онаси билан биргаликда тош, таёқ олиб, шовқин солиб уларни ҳовлисига кириб келишганлиги, Э.Мухторов қўлида бўлган тошни турмуш ўртоғи Ф.Хўжақуловга қарата отган вақтида тош турмуш ўртоғига тегмасдан ўтиб кетганлиги, шундан сўнг қўлида бўлган таёқ билан турмуш ўртоғи Ф.Хўжақуловнинг пешона соҳасига урганидан сўнг турмуш ўртоғи Ф.Хўжақулов ўзини ҳимоя қилиш мақсадида қўлига шохани олганлиги, бироқ шоха билан Э.Мухторовни урган ёки урмаганлигини кўрмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Бундан ташқари, судланувчи Ф.Хўжақуловнинг айби, дастлабки тергов ҳужжатлари билан, яъни, аризалар, оғзаки аризани қабул қилиш баённомаси, тиббий маълумотнома, судга оид тиббий экспертизанинг 84-сонли хулосаси, тақдим қилинган нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомалар ва унга илова қилинган фотожадвал, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, юзлаштириш баённомалари, жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин” деб кўрсатилган бўлиб, суд ушбу Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи Ф.Хўжақуловнинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб, аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топади.

Суд, судланувчи Ф.Хўжақуловнинг соғлиқни қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига сабаб бўлган баданга қасддан енгил шикаст етказишда ифодаланган жинойат хатти-ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Суд, судланувчи Хўжақулов Феруз Кучкаровичнинг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, унинг қилмишидан пушаймонлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, илгари қасддан жиноят содир этган шахс бўлиб, яна қасддан жиноят содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Хўжақулов Феруз Кучкаровичга жазо тайинлашда унинг қилмишидан пушаймонлигини, шунингдек жабрланувчиларнинг даъвоси мавжудлигини ҳисобга олиш билан бирга, содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 27 июнь кунги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак” деган, ушбу қарорининг 26-бандидаги “озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига амал қилиб, Ф.Хўжақуловнинг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини, жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атворини, жабрланувчининг даъвоси мавжудлигини инобатга олиб айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан муқаддам 26.07.2021 йилдаги жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 1-қисми билан тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 21.06.2022 йилдаги ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 3 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини шартлилигини бекор қилиб, жазони тенглаштириб, қисман кўшиб жазо тайинлашни, тайинланган жазони ўташдан бўйин товланишини олдини олиш, жазони ўз вақтида ўташликни таъминлаш мақсадида белгиланган муддат ичида ҳар куни муайян муддатга яшаш манзилдан чиқишини чеклаш, алкогольли ичимлик истеъмол қилишини ҳамда маъмурий ҳудуд ҳисобланган Самарқанд вилояти ҳудудидан чиқиб кетишини тақиқлашни, қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ургут туман ИИБ ҳузуридаги ТБнинг АДСХда сақланаётган бир дона белкурак ва бир дона темир шохани ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим топади.



Суд, шунингдек жабрланувчи Э.Мухторовга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида тегишли хужжатларни тўплаган ҳолда фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-455, 457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-476-моддаларини қўллаб, -

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Хўжақулов Феруз Кучкарович (Хо'jaqulov Feruz Kuchkarovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Хўжақулов Феруз Кучкаровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан, 7 (етти) ой муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан муқаддам жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 26.07.2021 йилдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган 1 йил 3 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликни чеклаш жазосига тенглаштирилиб, қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 8 (саккиз) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Хўжақулов Феруз Кучкаровичга яшаш жойи ҳисобланган Ургут тумани, “Қуйиқишлоқ” маҳалласида жойлашган яшаш уйидан кечқурун соат 22⁰⁰дан эрталаб соат 06⁰⁰га қадар чиқиши чеклансин.

Хўжақулов Феруз Кучкаровичга озодликни чеклаш даврида қуйидаги қўшимча чекловлар ўрнатилсин:

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик,
- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик,
- Самарқанд вилоят ҳудуддан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча чекловлар ўрнатилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш судланувчи Хўжақулов Феруз Кучкарович яшаш ҳудуди бўйича Ургут туман ИИБ Пробация бўлинмаси бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазо муддати маҳкум жазоларни ижро этиш пробациясида ҳисобга қўйилган кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Хўжақулов Феруз Кучкаровичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Э.Мухторовга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида тегишли хужжатларни тўплаган ҳолда фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ургут туман ИИБ ҳузуридаги ТБнинг АДСХда сақланаётган бир дона “белкурак” ва бир дона темир “шоха” хўжалик ашёлари ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.



Хукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришига ҳақли эканлиги, белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

Ғ.Негматов

